

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 98 (65974)
1997 йил, 1 январь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Янги, яшил билан, Кутладимиз азиз дўстлар!

Муҳаррир минбари

КУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ

Ўзбекистон қуёшга ўхшайди. Қуёшдаги ҳарорат, эзгулик, ёруғлик ўзбекнинг бесарҳад дала-ю қирлари оша балқиб туради. Қуёшга талпинган бу юртда қишда ҳам сирли ҳарорат бор. Хуррият нафаси ўфуриб турган бу Ватаннинг эртани кунни барқарор ва мустақамдир. Зеро, унинг қуёш юрагидан туғилган болалари бор.

Бугун юракларни орзиқтириб янги йил кирди. 1996 йил билан хайрлашарканмиз, остонамизда турган 1997 йил бизга нималар олиб келаётган экан, деймиз.

... 1997 йил тилсим...

Аммо деразадан тушиб турган қишнинг ёқими, заифгина нурларида чулғаниб ётган БОЛАЖОН, наинки элнинг, балки дунё тилсимларининг калити сенинг қулиңда!

Мен қурқмай яшайман: чунки сенинг юрагингда уқтам илди бор. У боболардан мерос буюк маънавиятимизнинг булоқларидан сув ичажак илди.

Мен қурқмай яшайман: чунки сенинг қуларингда зангори нур бор. Бу нур ҳақиқат ва ҳақнинг бирлигидир; бу нур адолат ва садоқатнинг бирлигидир; бу нур эртанинг, индиннинг, ундан кейинги қуларнинг саодатидир.

Мен қурқмай яшайман: чунки сен ҳаётнинг, яшашнинг, орзусисан БОЛАЖОН!

... Янги йил кириб келяпти...

Мен сенинг зийрак болаларингга қараб туриб, келажагингни яққол қуришман ВАТАН! Бу йил ҳар йилгидан қулли, баракали, омадли келади.

Йилдан йилга қадриятларимизнинг, тарихимизнинг, урф-одатларимизнинг тикланаётганлиги маънавиятимиз жавҳарларининг очилаётганлиги, халқимиздаги собитлик — буларнинг барчаси Ватан қисматиинг буюклигидир. Бу ватаннинг ҳар бир фуқароси ўз халқининг келажагига, истиқболига, маданият ва маънавиятнинг бебаҳолигига ишонади. Зеро бу ишонч Ватан қисматиға дахлдордир.



Бир донишманддан сурадилар:

— Нима учун Ўзбекистон туپроғига эккан нарсанг унади?

— Ўзбекистон шарқда жойлашган.

— Бунда не синоат бор?

— Қуёш ҳам, ой ҳам шарқдан чиқади. Шу боис қуёш назари тушган ҳар қандай туپроқ, ҳар қандай жон бекиёс сахий ва енгилмасдир.

Мен бу суҳбатни бекорга келтирмадим. Неча-неча йиллар зулм занжирлари исканжасида сахий она туپроғимизда етиштирилган ноз-неъматлар, хом ашёлар чет улкаларга ташиб кетилди. Пешона тери билан етиштирилган ҳосилининг фойдасини қурмаган бечора деҳқон қора кетмонига суянганча қолаверди. Бу ҳам етмагандек, муҳолифларимиз бутун дунё олдиди миллатимизни камситиб «Ўзбек ишқ», деган тухмат тамгасини қутариб чиқдилар. Мақсад — миллатнинг руҳини синдириш, обрусизлаштириш эди. Чунки улар узини таниб бораётган, бойлиги узига етиб, ортиши мумкин булган ўзбек халқининг қад қутараётган келажигидан чучиб қолган эдилар...

Худого шукурки, бу қулар ортда қолди. Ҳақиқатни эгиб булмаганидек, энди ўз истиқлолига эришган ватанимизнинг, миллатимизнинг келажигига шубҳа булиши мумкин эмас.

Янги йил эшик қоқмоқда. XXI аср бусағасида турибмиз. 1996 йилни тинчлик, хотиржамлик, қут-барака билан якунлаб, янги-янги режаларга бой умидбахш 1997 йилни қутиб олягимиз. Азалдан болажон, боласевар халқимиз янги йилдан энг аввало фарзандлари учун соғлиқ тилайди. Ило, биз ҳам бу тилақнинг ижобат булишини сураймиз:

Ҳайратнинг жоннда кўз
очган дунё
Самони уйғотар ўзбекона
двл.
Қадим томирлардан таралар
зиё,
Қутли, баракали келгин
Янги йил!
Ошпоқ тоғ отмоқда, уйғон,
болажон,
Хотиржам қуларин
қуйламоқда ел.
Бахтиёр кўзингда қулади
осмон,
Қабутар олиб кел ушга, Янги
йил!

ВАТАН БИЛАН ТАНИШУВ



ДАВЛАТ ГЕРБИ-РАМЗИ: Қанот ёзган Хумо — Бахт қуши. Чап ва унғ тарафларидаги пахта билан бугдой — ватанимиз далаларининг асосий бойлиғидир. Бундан ташқари ватанимизнинг поёнсиз далаларида — мош, гуруч, ловия, маккажухори, кунжут, нухот каби донлар, боғларида — анор, анжир, бодом, олма, нок, беҳи, олхури, урик, ёнғоқ, узум, полизларида — қовун, тарвуз, ҳандалаклар ҳосил беради.

Чорва молларидан: қуй, қорамол, эчки. Қушларидан: қаптар, лочин, бургут, лайлак, турна ватан осмонда парвоз қилади. ДАВЛАТ ТУЗУМИ: Республика. Агар юртда подшоҳ бўлса — монархия

тузуми бўлиб, тожу тахт подшоҳнинг авлодларига мерос бўлиб утади. Республика тузумида халқнинг эсли, хушли, қобилиятли вакиллари ноиблар (депутатлар) барча фуқаролар истаги билан сайланган Президент раҳбарлигида юртни бошқарадилар. Президент ҳар беш йилда бир марта сайланади. Халққа маъқул келса, яна шу одам сайланиши мумкин.



ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОЛИЙ ОРГАНИ: Олий Мажлис. Унда эл-юрт тақдирини таъсир қўришувчи муҳим масалалар муҳокама қилинади. Ноиблар тавсия этган қонунлар қабул қилиниб, сунг бу қонунлар ва қарорларни мамлакат Президенти тасдиқлайди.

ЙИЛ ОХИРИ, ЙИЛ БОШИ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Туркистон» саройида «Муъжизавий олам» деб номланган катта театрлашган томошалар Президентимиз Исло Каримовнинг Ўзбекистон болаларига йўлаган Янги йил табриги билан бошланди. Табрикни томошага келган меҳмонлар, тарбиячилар, ота-оналар ҳаяжон билан кутиб олдилар. Эстрада юлдузи Фаррух Зокиров кичкинтойларни Янги йил билан муборакбод этди.

Томоша ижрочилари ҳам — болалар. Улар яхшилик ва тўғрилиқ золимлик устидан доим ғалаба қилишини болаларча самимий ижро этишди.

Байрам сунгида барча болаларга Қорбобо совғалари улашди.

Байрам арафасида янги йил табриги, укув-ёзув қуроллари, байрам пириликларидан иборат совғаларни олган болалар орасида 25 та меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, 5 та мактаб-интернат укувчилари, шунингдек, жуда кўп ногирон болалар бор. Жойларда утказилган байрам тантаналарида болажонларга ҳокимиятлар ва таълим муассасалари вакиллари ҳам уз совға-саломларини улашди.

Республика ёш саёҳатчилар ва улкашунослар маркази узининг 60 йиллигини нишонламоқда. Ушбу санага бағишлаб, Халқ таълими вазирлиги 6-7 январь кунлари Республика таълим марказида илмий-услубий конференция утказишни режалаштирди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, ёш саёҳатчилар ва улкашунослар марказлари вакиллари қатнашадилар.

Тошкент шаҳар техник ижодиёт маркази бир неча йилдирки, укувчилар орасида техник ижодкорликни ривожлантириш, ҳамда улар

Бизни қутлайдилар

Азиз ва ҳурматли болажонлар! Янги - 1997 йилингизни куттиб бузиш. Сизларга сониқ омонлик, бахт-салом, ўқималарингизга зарарлар тиласиз. "Залғ оғзи" тилмаси навишдан Шайх Раҳимов

Азиз болажон! Йиллар кетидан йиллар келади. Сен угаёсан. Маърифат чироғи билан сенинг шуурингиз илк бор чароғон этган қадрдон дўстинг «Тонг юлдузи» газетаси остонасидан бошқа газеталар мулоқотида отланасан. Зеро, Ватанга ҳар бир сонияни зийраклик ва хушёрлик билан кузатувчи фарзандлар керак. Сенинг камалингизни интизорлик билан кутаётган рўзномалар муҳаррирлари янги йилнинг илк тонгида сизни қутлайдилар.

нинг қишқи таътил кунларини сермазмун, марокли утказиш мақсадида қатор мусобақалар уюштириб келаётган. Марказ режасига кўра, 6—8 январь кунлари Бектемир туманидаги 293-мактабда самолёт-созлик тугарақлари ишгирокчиларининг катта мусобақаларини утказиш кузда тутилмоқда.

Чирчиқдаги «Бахт» ҳиссадорлик жамияти ва Ташқи иқтисодиёт миллий банки ҳамкорлигида очилган «Кибо» пойабзал корхонаси маҳсулот бера бошлади. Тоза чармдан немис технологиясида тикилаётган туфли, крассовка ва этикчалар сифатлиги билан хориж молларининг урнини босади.

«Кибо»нинг дастлабки маҳсулотлари республикамиз болаларига Янги йил совғаси бўлди.

Юлиан тақвими 1 январни йил боши деб белгилади

Дунёдаги кўп мамлакатлар қатори юртимизга кириб келаётган янги йилнинг тарихи миллоддан олдинги 46-йилларга бориб тақалади. Бунгача қадимий Римда ойлар сони унта бўлиб кейинчалик яна икки ой қўшилган. Бу янгиликни Юлий Цезарь киритган ва ушундан бу тақвим Юлиан тақвими деб юритилиб келинган. Аммо бу тақвим ҳам узоқ умр қурмаган. Кейинчалик Оврупога Григориан тақвим киритилган. Аммо янги йилни январь ойига қурчирган айнан ушбу Юлиан тақвими бўлади. Янги йил унгача кўп юртларда, кўп мамлакатларда ҳар хил пайтларда нишонланган. Ва ниҳоят янги йилни нишонлаш мана шу январь ойида

батафсил ёзган. Унинг таъкидлашича наврузнинг биринчи кунинида улғ қоҳин, мубадлар мубади, яъни қуёшга сиғинуви зардуштийлар динининг энг олий руҳонийси подшоҳга ушал кунини май тула олтин жом, узук, дирҳам ва рум динорини, бир қучоқ арпа ниҳолини, қилич, ук-ёй, доват ва қалам совға қилган. Бу совға бериш маросими мана бундай сузлар билан изоҳланган ва улар ушбу рамзий маъноларни аналган.

«Шоҳим фарвардин байрамида, фарвардин ойида эздон ва каён дини учун эркин бўл... арслон табиат бўлиб узоқ яша, заррин тахтингда шодмон бул, Жамшид жомидан бир умр нуш эт, ҳиммат ва

ИЗЛАГАН ОЛИМ БУЛАР

қолиб келган. Чунки январь ойи кишининг уртаси бўлиб табиатда кўп нарсанинг бошланишига олиб келади.

Янги йилни арчага сиғиниб байрам қилиш одати қадимий Герман қабилаларидан қолган дейишади. Улар бу пайтда ўрмонларга чиқиб мангу усувчи арчаларга ҳар хил тақинчоқлар тақиб, унинг атрофида олов ёқиб ўйинга тушишган. Кейинчалик бу одат 10 асрда русларнинг христиан динига ўтиши билан уларга ҳам кириб келган. Аммо бирқанча вақт уларда янги йил 1 мартдан бошланган. Кейинчалик янги йил сентябрга қурчирилган ва ниҳоят Пётр I нинг буйруғига асосан 1699 йилдан 1700-йилга ўтиш пайтида 1 январга қурчирилади. Айнан шу сабабларга кўра русларнинг Туркистонни босиб олганларидан кейин бизга ҳам олиб кирилади. Лекин бу ҳол оқ подшо даврида ута мажбурий бўлмаган, халқимиз уз навруз байрамини нишонлаб қолган ва фақат қизил империя даврида халқ тарихига зугум ошиб, наврузни байрам қилиш таъқиқланиб қуйилган.

Шарқда янги йил қадим-қадимлардан, ҳозирги март ойининг 21-дан 22-га утар кечаси булган. Эски форс, паҳлавий тилида бу ойни фарвардин дейишган ва бу суз жаннат маъносини аналган. Чунки айнан шу ойда табиатда жаннатий ҳолат, усимликлар усининг бошланиши, кузатилган ва шу ҳолат кузда тутилган.

Бизда ҳозирги кунда урф-одат тусига кирган болаларга, таниш билиш, қариндош уруларга совғалар бериш удуми ҳам илгаридан булган. Шарқнинг буюк мутафаккири ҳозирги кунда ҳам тенги бўлмаган тақвим яратган Умар Ҳайём бу ҳақда

мурувват билан ажодлар одатига риоя қил, одил ва ҳақгуй бул, бошингда сочинг оқармасин, сенинг ёшлигинг арпа ниҳолига ухшасин, минган отинг чопқир ва музаффар булсин, қиличинг арқираган булсин ва душманларга улим келтирсин, лочининг овда омадга ёр булсин, ишинг укдай тугри булсин, яна бир юрт олгин, тахтда доим дирҳам ва динорли бул, истеълодли ва олим сендан ҳиммат ва марҳамат курсин, саройинг фарвон, умринг узун булсин».

Қаранг, қандай ажойиб таомил, биз эса буларнинг ҳаммасини бошқалардан олдиқ деб юрган эдик яқин-яқин кунларгача, шунинг учун ҳам уз тарихини билмаган кимса манқурт бўлади деб бекорга айтишмайди. Бу уринда кечагина давлатимиз томонидан чиқарилган олий фармон, яъни ватанимизнинг тарихини тугри ва одилона ёритиш, уни янги усиб келаётган сиз ёш авлодимизга ва бутун оламга етказиш масалалари бизга янги йилда булган ажойиб совғаларданлир.

Маҳмуд ЙҮЛДОШЕВ.

Бизни қутлайдилар

Газета "Солншико" поздравит: Все-все дети нашей прекрасной Независимой Республики Узбекистан! Она воспеет юному поколению все свое безграничное сердце в моменты паров и прочувствительных огней. Радужный первый шаг - вранье, успешное и радостное ребятам. Небывшее счастье! Главной радостью "Солншико" Янги йил

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Еттинчи сессиясида 1997 йилги давлат бюджети юзасидан мулоҳаза ва таклифларни урганувчи ишчи гуруҳ раҳбари - Олий мажлис Бюджет банк ва молия қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг ахбороти тингланди, ишчи гуруҳининг бюджет лойиҳасини пухталаштиришга оид протоколи тасдиқланди, 1997 йилги давлат бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда жиноят ижроия кодекси лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Улар умумхалқ муҳокамасига ҳам қуйилдиган булди. Сессияда «Адвокатура тўғрисида», «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Товар бозорларда монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Парламент укутувчилар ва мурабийлар кунининг белгилади. Бу кун ҳар йили 1-октябрда халқ байрами сифатида нишонланади.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Тошкентдаги дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг, республикамиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Юртбошимиз мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга оширилган ишлар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларга муфассал тўхталди. Дунёда юз бераётган энг муҳим воқеалар халқаро муаммоларга уз муносабатларини билдирди.

Учрашув ниҳоясида Президентимиз журналистларни қизиқтирган жуда кўп саволларга батафсил жавоб қайтарди.



ТУГИЛГАН КУНИНГИЗНИ АЙТИБ БЕРАМАН

Аввал уйинда иштирок этаётганлардан ҳар бири йилнинг қайси ой ва кунда туғилганлигини топа олишингизни эълон қилинг! Хоҳловчи қатнашчига дилида туғилган куни рақамини иккига купайтириб, сунг бешни қушишини таклиф этинг. Сунг натижа элликка купайтирилади. Келиб чиққан микдор-

си (у ноль билан ҳам бошланиши мумкин) йил ойининг тартиб рақамини, олдинги рақамлар билан туғилган кунни англатади. Энди бу уйинни қуйидаги мисол билан куриб чиқамиз. Масалан: Гулноранинг туғилган куни 30 март булсин. У айтганидек 30 ни 2 га купайтириб, натижага 5 ни қушади. Сунг йигиндини 50 га купайтириб, 3



Азиз ўқувчилар!
Бундай ҳисобдонлик ўйинларини тез, оғзаки ҳисоблай оладиганлар даврасида ўтказиш жуда қизиқарли бўлади.

га туғилган ойнинг бошидан тартиб рақами қушилади. Энди сунги натижани сизга айтишини суранг. Сиз эълон қилинган сондан дилингизда 250 ни айиринг. Бунда келиб чиққан соннинг сунги икки хона-

ни, яъни март ойининг йил бошидан тартиб рақамини қушади. Илтимосингизга кура, айтган энг сунги натижа 3253 дан сиз 250 ни айирасиз. Бундан келиб чиққан 3003 сони 30 март кунини англатади.

ЁШИНГИЗ НЕЧАДА?

Бу уйин ҳам иштирокчиларнинг ҳар бири неча ёшга кирганликларини айтиб бера олишингиз мумкинлигини эълон қилиш билан бошланади. Аввал хоҳловчи ўқувчига уз ёшини дилида ун марта орттириб, купайтмадан 36 ни айиришни айтинг. Ҳосил булган натижани эълон қилиши-

ни суранг. Сиз дилингизда айтилган соннинг сунги рақамини олдинги сонга қушасиз. Масалан: 84 сони айтилган булсин. Бунда 4 рақамини 8 га қушилса, 12 ҳосил булади. Шунга кура бу иштирокчиларнинг ёши 12 да эканлиги келиб чиқади.

Фозилжон ОРИПОВ
тайёрлади.

НИМА ЯХШИ?

- Қишнинг нимаси яхши?
- Янги йил — базм яхши!
- Совға-салом улашган,
- Қорбобо, қорқиз яхши.
- Сенга-чи, дўстим Аброр?
- Дўстлар дийдори яхши.

Қишки таътилда ёққан
Оқ, момик қори яхши...
Ёғақол, қор!

Бахтиёр ВАЛИЕВ,
Юнусобод тумани,
Юсуф Мўминов номли
274-мактабнинг
7-б синф ўқувчиси.

Р.АЛЬБЕКОВ сурати.

ТИЛИМНИНГ УЧИДА ТУРИБДИ

Циркда кузбойлогич томошабинлар ичида утирган болани қақириб олиб, суради:

— Ҳой бола, сен мени биринчи бор куришингми?
— Ҳа, дада.

— Судралувчи жониворлар доимо ерда эмаклар юрадилар. Фаттоҳ, судралувчиларга мисол келтира оласанми?

— Ҳа, судралаб юрувчи — менинг кичкина синглим.

— Курлингми, бу қизча ҳали бир ёшга тулмаган булса ҳам ўқишни билади.

— Унда нега у китобни индамасдан варақламокда?

— Чунки у ўқишни биледию, лекин ёш булгани учун ҳали гапиришга урганмаган.

Қорни жуда оч қолган меҳмон уй эгасининг углидан секингина суради:

— Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?

Бола жавоб берди:

— Узимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон булса, у кетгунча сабр қиламиз.


Ўқитувчи синф тахтасида кимевий формулани ёзиб, ўқувчидан суради:

— Бу қанақа формула?

— М-м, домлажон, шундоққина тилимнинг учида турибди-ю...

— Ундоқ булса, дарров туфлаб ташла-е, бу кислота-ку!..

**Арчага олиб борувчи
йўлни қайси жонивор
тўғри кўрсатади?**



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топириш вақти 19.00
Топирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25